

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.5 (575.1)

ЭРКИНОВ САРДОРБЕК МУЗАФФАР ЎҒЛИ

САМАРАЛИ БАНК ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
АСОСЛАРИ

5A230701 – Банк иши (фаолият турлари бўйича) мутахассислигида
Магистр академик даражасини олиш учун тайёрланган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.н., доцент И.Р.Тоймухамедов

Тошкент – 2019

Ушбу магистрлик диссертация ишида банк тизими инфратузулмаси, хусусан банк инфратузулмасининг назарий асослари, унинг элементлари, ўзига хос хусусиятлари ва ташкил этиш тартиблари кўриб чиқилган. Шу билан бирга самарали банк инфратузулмасини шакллантиришдаги муаммолар таҳлил қилинган ҳамда уларни бартараф этиш бўйича амалий таклифлар берилган.

In this master dissertation the banking system infrastructure, in particular the theoretical foundations of banking infrastructure, its elements, features and organization procedures are considered. Also analyzed the problems of forming effective banking infrastructure and practical suggestions on their elimination are provided.

Магистрлик диссертацияси «Банк иши» кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган. 41 -сонли баённома « 12 » 06 2019 йил.


Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. И.Р.Тоймухамедов



ИМЗО

сана

Магистр: С.Эркинов



ИМЗО

сана

«Ҳимояга тавсия этилади»
«Банк иши» кафедраси мудири,
PhD. У.Ш.Дускобиллов

« 29 » май 2019 й.

Магистрлик диссертацияси ҳимояси 2019 йил « 29 » май соат 14⁰⁰ да Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. БАНК ИНФРАТУЗИЛМАСИ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	9
1.1. Банк инфратузилмаси моҳияти ва унинг назарий асослари.....	9
1.2. Банк инфратузилмасининг институционал таркиби ва унинг банк тизимидаги ўрни.....	17
I боб бўйича хулоса.....	25
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САМАРАЛИ БАНК ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲОЛАТИ ВА УНИ ТАҲЛИЛИ.....	27
2.1. Ўзбекистонда самарали банк инфратузулмасини шакллантириш тартиби	27
2.2. Ўзбекистонда банк инфратузулмасининг замонавий ҳолати таҳлили.....	37
2.3. АТ “Халқ банк”и инфратузилмасини ташкил этиш амалиёти ва уни таҳлили.....	50
II боб бўйича хулоса.....	61
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА САМАРАЛИ БАНК ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	63
3.1. Хорижий мамлакатларда самарали банк инфратузилмасини шакллантириш тажрибалари.....	63
3.2. Ўзбекистонда самарали банк инфратузилмасини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.....	70
III боб бўйича хулоса.....	77
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	79
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	82
ИЛОВА.....	88

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг шаклланиши ва фаолият кўрсатиши, молия-кредит институтларини халқаро миқёсга кўтарилиши кўп ҳолларда банкларни молиявий бошқарув муаммоларини ҳал этишга, яъни банк капитали ва маблағларини, умуман олганда банк хизматларини комплекс бошқарувига боғлиқдир.

Бунда асосий эътибор иқтисодиётнинг турли тармоқларининг, шу жумладан банк инфратузилмасини ўрганиш, иқтисодий муносабатларнинг сезиларли даражада кенгайиши ва мураккаблашиши билан тавсифланадиган бозор иқтисодиётида долзарб аҳамиятга эга.

Чунки, молиявий менежмент тизимида асосий ўринни банкнинг молиявий ҳисоботи, ҳамда тахлили ва банк операцияларининг ликвидлилик, даромадлилик, риск томонларидан баҳолаш эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бугунги кунда банк тизимидаги энг асосий муаммо – улар капиталининг асосий қисми, яъни, 83 фоизи давлатга тегишли эканидир. Бу, ўз навбатида, банк секторида соғлом рақобатга тўсиқ бўлиб, хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир қилмоқда”¹. деб молия-банкларнинг ресурс манбаларини самарали ишлатишга алоҳида эътибор бериб ўтди.

Бу ўз навбатида Ўзбекистонда банк хизматларининг янги турларини жорий этиш банк тизими барқарорлигини таъминлаш ҳамда банк инфратузилмасини кўриб чиқишни тақозо этади.

Банк инфратузилмаси банк тизимининг ташкилий тузилмаси таркибига киради. Банк фаолиятини ташкил этишдада банклар ўзларининг бошқа элементлари билан ва биринчи навбатда, банк инфратузилмаси билан ўзаро муносабатлардагина муваффақиятли ривожланиши мумкин. Бу банкнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 2018 йил.29.12.